



O'zbekiston O'vozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz

№49

2025-yil
10-dekabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



БУГУН – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

УЙҒОҚЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҚЎШИҚ



Ўзбекистон мадҳияси! Бизни бир-биримизга руҳан жипслаштирган, қалбларимизни туташтирган қўшиқ. Зеро, мадҳиямиз янграётганида бир вужудга айланамиз. Биргаликда жўр бўламиз.

Юрт мадҳияси муқаддас. Уни қуйлаётган замондошим бир қадар баландлагандек туюлади менга, бутун бир сарой, майдон юксакка кўтарилгандек бўлади, назаримда.

Юрт мадҳияси мағрур қўшиқ.

Мустақиллик, эрк ва саодатни юқори пардада қуйлаётган инсоннинг елкаси қисик бўлмайди, боши эгик турмайди.

Дунё спорт майдонларида, нуфузли халқаро танловлар ва расмий маросимларда Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида беихтиёр кўзларимизда ёш қалқийди. Албатта, бу севинч ёшлари, бахтиёрликнинг таърифсиз ифодаси бўлиши билан бирга шундай кунларнинг келишини қомил ишонч билан кутган, қўлёмалари ёқилган, сургун қилинган, “Алвасти кўприк”ларда отилган, “Бўрижарда” тириклайин қўмилган аждодларимизни ёдга туширадиган армон томчилари...

Мадҳиямиз қабул қилинган кун муборак, азиз замондошим!

Юртимиздаги эзгулик сари дадил ташланаётган қадамларимизга бутун дунё тан бермоқда. Бу асрий орзулар чаманзорига кетмас баҳор келганидан далолат. Ҳар бир кунимизда юртдошларимизнинг “Шундай қилса бўлар экан-ку”, “Биз буни уйддаладик, демек, бундан-да юқори марраларни ҳам бемалол забт эта оламиз”, деган шўкроналарини эшитмоқдамиз.

Ёнгра О'zbekiston деб ёзилган қумуш қанотли улкан “темир қушлар”га кўкда ой, юлдузлар салом бермоқда. “O'zbekiston temir y'ollari”нинг бир-биридан кўркам, шамолдек учқур поездлари кечаю кундуз сайёҳларни фирдавсмонанд Самарқандга, Бухорои шарифга, алломалар бешиги – Хоразмга, олис Қорақалпоққа, бешигига бўлбуллар қўнган бахшилар, афсоналарни ҳақиқатга айлантирган яхшилар маскани Сурхондарёга, мардлар макони – Қашқадарёга, қўйингки, тонглари ёруғ, тунлари ойдин ўлкамизнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор гўшасига элтмоқда.

Дилтортар мадҳиямизни тинглаган

чоғимизда кўз ўнгимизда шу сингари ғурурбахш ўзгаришлар гавдаланади. Қалбимизда ажиб ҳаловатни туямиз. Ҳа, юрт мадҳияси тинчлик, улғу орзулар қўшиғи. Аждодлар хотирасини авлодларга ҳамиша эслашиб турувчи, келажак олдида чуқур масъулиятни англлатувчи маънавий кўприк.

Биз уйғондик, биз бирлашдик, биз дунёнинг энг бахтли одамлари яшайдиган давлатнинг бирига айландик. Амударё соҳилига кийиклар сув ичгани келишди. Сирдарёга оқ чорлоқлар қайтдилар.

Асрлар ўтади. Авлодлар алмашишда давом этади. Аммо асрлар оша, авлодлар оша мустақил давлатимиз мадҳияси мағрур жаранглаб, қалбларга эзгулик уруғини сочаверади. Бугун хонадонларимизда мадҳиямизни чуқук тилида қуйлаётган набираларимиз эртага Ватан шаъни ва шарафини ҳимоя қилувчи юрт фарзандлари бўлмоғи муқаррар.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими.

МУНОСАБАТ

ИНСОНГА ИМКОНИЯТ БЕРИШ — ЭНГ КАТТА ЭЗГУЛИК

Инсон манфаатларини таъминлаш, қадрини улуғлаш давлатимиз ва жамиятимизнинг бош мақсадидир. Шу маънода бағрикенг халқимизга хос, юксак умуминсоний қадриятларга мос бўлган инсонпарварлик тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз бугунги тарихий босқичда ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва тақдири давлатнинг энг олий қадрияти эканлиги тўғрисида тараққиётнинг янги поғонасига қадам қўйди.

► (Давоми 3-бетда)

ОДАМЛАР ОРАСИДА...

ФИДОЙИЛИК ОРТИДАГИ БАХТ

Мэлс Кабулов. Бу исм-шариф юртимиз тиббиёт аҳлига яхши таниш. Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мэлс Кабулов онкохирургиянинг етук мутахассисларидан ҳисобланади. Ўтган йили қўтлуг 80 ёшини қаршилаган атоқли олим умрини, куч-ғайратини, шижоатини, илм-у тафаккурини эл саломатлигига бағишлади. Мана, қарийб олти йилдан буюн бу йўлнинг машаққат-у заҳматларини мардона енгиб, қанчадан-қанча инсонларнинг дардига дармон бўлиб келмоқда.

► (Давоми 6-бетда)

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



ҚИШ МАВСУМИДА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА ҚАНДАЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА?

4

ЯЛПИ МАЖЛИС



ҲАЁТ ВА ҚОНУН

Мамлакатимизнинг ҳуқуқий давлатчилиқ асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳар бир қонун лойиҳаси сўзсиз қуйи палата муҳокамасидан ўтади.

Ўтган ҳафта сўнгида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга, бюджет жараёнини янада такомиллаштиришга, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга доир қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига дахлдор, жумладан, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

► (Давоми 2-бетда)

ОГОҲЛИК

УМР ЗАВОЛИ

Матбуот ва ОАВда жамоатчилик диққат-этиборини тортиш жоиз бўлмаган табу мавзулар бор. Гап муқаддас саналган қадриятларга ва асл ахлоқий меъёрларга дахл этадиган муаммолар ҳақида борса, табу табулигича қолгани маъқулдир. Бироқ бугун Ер юзиде миллионлаб инсонларнинг хотиржам турмушини издан чиқараётган, қўллаб жамиятларда ҳамон кўрқинчли ва тавқи лаънат, деб кўрилатган хасталик – ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) эпидемиясини табуга менгзаб бўлмайди.

► (Давоми 7-бетда)

ОБУНА — 2026



ЭНДИ
"O'zbekiston
ovozi"
ГАЗЕТАСИГА

CLICK ВА Payme

ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ ОБУНА
БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефон: (71) 239-12-14

ОБУНА ИНДЕКСИ – 220

ЯЛПИ МАЖЛИС

► (Давоми. Боши 1-бетда)

2026 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мажлисда дастлаб “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнларида эътибор “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган муҳим ўстувор йўналишларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларнинг молиявий ва иқтисодий ечимига қаратилди.

Қўмиталар томонидан ўтказилган йиғилишлар, сиёсий партияларнинг фракцияларидаги муҳокамаalarda депутатлар томонидан 100 дан ортиқ саволлар, 10 дан ортиқ концептуал аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар берилди. Асослантирилган қатор таклифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Мажлисда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, маҳаллий бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларига оид лойиҳада кўзда тутилган тадбирлар, уларни молиялаштириш манбаларига оид маълумотлар чуқур таҳлил қилинганига алоҳида эътибор қаратилди.

Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда унинг тегишли моддалари, нормалари Президент фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан уйғунлиги, асослантирилгани ўрганилди. Бу жараёнда Ҳисоб палатасининг берган хулосалари ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Шу асосда халқ вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда, асослантирилган таклифларни Солиқ ва Бюджет кодексларида акс эттириш масаласига диққат қаратилди. Айрим асосли таклифлар бюджет ва солиқ тизимларини такомиллаштириш жараёнида инobatга олинадиган бўлди.

“

МУҲОКАМАЛАРДА ФРАКЦИЯМИЗ АЪЗОСИ ҚИЗИЛГУЛ ҚОСИМОВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТАДИГАН БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒ МИҚДОРINI ҚАЙТА КўРИБ ЧИҚИБ, КўПАЙТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ.

БОШ ВАЗИР ўРИНБОСАРИ ЖАМШИД КўЧҚОРОВ БОШЧИЛИГИДАГИ МАСЪУЛ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР МАЗКУР ТАКЛИФНИ ИНОБАТГА ОЛИБ, ОФИР ВАЗИЯТГА ТУШГАН, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЁРДАМ КўРСАТИШ УЧУН БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИГА ҚўШИМЧА 67 МЛРД. СўМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛИШINI БИЛДИРДИ.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАКЛИФИ ИНОБАТГА ОЛИНГАНИ ЮРТИМИЗДА КЕЛГУСИ ЙИЛДА МУҲТОЖ БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БўЙИЧА МОЛИЯВИЙ ИМКОНияТЛАР ОШИШINI АНГЛАТАДИ.

ҲАЁТ ВА ҚОНУН



Шу билан бирга, қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида қонун лойиҳасида вазирлик ва идораларга ажратилиши кўзда тутилган бюджет маблағлари, улардан фойдаланиш ва натижадорлиқни ошириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар бирма-бир кўриб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича кўтарилган масалаларга ҳукумат томонидан тузилган ишчи гуруҳ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари ойдинлик қиритишди.

Халқ вакиллари бюджетдан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш борасида давлат органлари ва ташкилотларининг масъулиятини, жавобгарлигини ошириш бўйича таклиф-тавсиялар билдирдилар. Шунингдек, парламент ва депутатлик назорати олиб борилиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

БЮДЖЕТ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Депутатлар бюджет тизими ва бюджет жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилдилар. Лойиҳа бюджет даромадлари таркибини мувофиқлаштириш, халқроқ тажрибалар асосида Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисобот турларини кенгайтириш, шунингдек, бюджет тизимига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилган.

Унга кўра, Давлат бюджетига оид барча ҳисоботлар Қонунчилик палатасига фақат Бюджет кодексига белгиланган аудит хулосаси билан киритилиши, чораклик ҳисоботлар эса Ҳисоб палатасининг тезкор хулосаси билан тақдим этилиши белгиланди.

Шунингдек, лойиҳада бюджет буюртмачилари томонидан молиялаштириш манбалари ва миқдорлари аниқ бўлмаган шартномалар тузиш ва тегишли тартибда Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича товарларни қабул қилиб олиш ҳолатларига барҳам берувчи

нормалар акс этганлиги коррупциявий омилларнинг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Халқ вакилларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда фуқароларни бюджет жараёнига кенг жалб этиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

СОЛИҚ СИЁСАТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Мажлисда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳада Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқоти доирасида кўтарилган масалалар, Солиқ кодексининг нормаларини Жаҳон савдо ташкилотининг битимлари ҳамда Хорижий инвесторлар кенгашида илгари сурилган ташаббуслардан келиб чиқиб мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар берган таклифлар асосида унга айрим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, солиқ тўловчилар томонидан бир нечта солиқ ҳисоботлари ўз вақтида топширилаганда умумий битта жарима қўлланилишига оид норма Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига мослаштирилди.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан намунавий агротехник харита маълумотларини солиқ органларига электрон шаклда ахборот тизимлари орқали тақдим этишга оид норма такомиллаштирилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига лазерли текисланмаган суғориладиган ерларда фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ

ставкаларини ошириш ваколатини бериш нормасига лазерли текислаш ишлари вақт ва харажат талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда аниқликлар қиритилди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларга экспорт қилишни кенгайтириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш, аҳолининг даромадларини ошириш ҳамда ҳудудларга барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раиси Қ.Сариевнинг “Мамлакатимизда умуммиллий тотувликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Депутатлар камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Зоҳидовнинг тизимда 2025 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини эшитиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқишди.

Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлов округларидаги учрашувлари ҳамда ҳудудларда ўтказилаётган назорат-таҳлил тадбирлари давомида соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган айрим масалалар мавжудлиги тилга олинди.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, кун тартибига кўра, соғлиқни сақлаш вазири А. Худаяровнинг “Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича қабул қилинган ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Фармониға мувофиқ, 2025 йилда оналар ўлими кўрсаткичи 12,5, гўдаклар ўлимини 7,5 ва беш ёшгача болалар орасидаги ўлимни 10 промиллегача камайтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга, онкологик, юрак-қон томир ва диабет каби эрта ўлим улуши юқори бўлган касалликлар бўйича кўрсаткичларни пасайтириш вазифалари қўйилган. Таҳлиллар эса белгиланган мақсадларга эришиш учун қўшимча чора-тадбирлар зарурлигини кўрсатмоқда.

Мажлисда соғлиқни сақлаш вазирининг ахборотини, шунингдек, фавқулодда вазиятлар вазири Б. Қудратхўжаевнинг “Аҳолини ёнгинлардан муҳофаза қилиш, хусусан, ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ТИЛ — ДАВЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида “Конституция ва давлат тили” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фанлар академияси аъзолари, вазирлик ва мутасадди идоралар вакиллари, жамоатчилик фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, Конституция давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси эканлигини ҳаётда намоён этмоқда. Янгиланган Конституциямиз ўзбек давлатчилиқ тарихида янги даврни очиб бераётгани, давлат тилининг аҳамияти, унинг тарихий илдизлари, ўзбек тилининг мавқеини ошириш, унинг мукамаллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда олдинда кўзланган мақсадлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Таъкидланганидек, ўзбек

тилининг нуфузини нафақат юртимизда, балки халқроқ миқёсида ҳам оширишнинг асоси Бош қомусимизда ўз аксини топган.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Тилнинг мақомини конституциявий даражага кўтариш — халқнинг тарихий иродаси ва миллий ўзлигини абадийлаштириш демокдир. Шу маънода Конституциямизда давлат тили ҳақида алоҳида моддалар белгилаб қўйилган. 1989 йил ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимиз учун қувончли воқеа бўлган бўлса, мамлакатимизнинг асосий қонуни – Конституциямизда эса бу янада мустаҳкамланди.

Бош қомусимизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг



давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади. Мана шу модда ва унинг асосидаги қатор ҳужжатлар билан ўзбек тилимиз ҳам яшовчанлиги, мустаҳкамлиги йўлида яна бир қадам ташлади. Шундан келиб чиқиб,

давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларимизда тил масаласи ўз ифодасини топган. Биз ҳам парламентда ўзбек тилини янада ривожлантириш, чуқурлаштириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиряпмиз. Чунки, давлат тили — бу фақат тил эмас, балки давлатчиликнинг ҳуқуқий ва маънавий асосидир. Конституциямизда унинг мустаҳкамланиши — миллатнинг

ўзлигини ва бирлигини белгилайди.

Мулоқот очик ва хилма-хил фикрларга бой бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат тилини янада ривожлантириш, унинг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлаб бориш масаласида масъул вазирлик ҳамда давлат идоралари билан доимий ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди.

Ўз муҳбиримиз

МУНОСАБАТ



Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ШАРАФЛАНГАН АЙЁМ

барчамизнинг қалбимизни
ғурур ва ифтихорга тўлдиради



Ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунни юқори кайфият билан кутиб оламиз, ўзгача шукуҳда байрам қиламиз. Бу бежиз эмас. Асосий қонунимизнинг кадр-қимматини, аҳамиятини ҳар биримиз дил-дилдан ҳис этамиз. Чунончи, Конституция мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати, бирдамлик занжири, тенглик мезонидир.

Бу йил юртимизнинг энг улуғ ва муқаддас қонун ҳужжати — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 33 йил тўлди. Жойларда “Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!” деган эзгу ғоя асосида тадбирлар ўтказилди.

Байрам муносабати билан давлатимиз раҳбари халқимизга табрик йўллади.

Табриқда Конституция инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги, тинчлик ва демократик ислохотларнинг бош кафолати экани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, сўнгги йиллардаги сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар, парламент ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги ўзгаришлар, инсон қадри ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ютуқлар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Хусусан, Маҳаллий Кенгашлар томонидан 25 мингдан зиёд масала кўриб чиқилгани, 14 мингга яқин депутатлик сўрови юборилганини қайд этилар экан, 2026 йил 1 январдан туман ва шаҳарларда ҳоким ва Кенгаш раислари ваколатлари ажратилиши таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, Бош қомусимиз мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий асоси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаб берди.

Айтиш керакки, 2023 йил 30 апрелда умумхалқ референдумида янгиланган Конституциямиз қабул қилинганлиги уни халқ Конституциясига айлантирди. Бундай муҳим воқеалик, ўз навбатида, жамиятимизнинг сиёсий етуқлигини, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор амалда тасдиқлади. Бинобарин, мамлакатимизнинг янгиланган конституциявий-ҳуқуқий заминидан миллий тараққиётнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш, шиддатли ва кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш давр талабига айланди.

Янгиланган Конституциямизда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, деган тамойил муҳрланди. Ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон

ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи асослар мустаҳкамланди.

Масалан, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч баробарга кўпайтирилди. Бунинг замирида яна ўша олижаноб мақсад турибди, яъни, юртимизда ҳеч бир инсон эътибордан, ғамхўрликдан четда қолмаслиги, муносиб шароитларга эга яшаш ҳуқуқи таъминланиши керак. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқ ва имкониятлар фақат қоғозда ёки нормаларда эмас, балки ҳаётнинг ўзида, кундалик амалиётда ўз аксини топмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизими кенгайди, фуқароларнинг давлат органлари билан мулоқоти рақамлаштирилди, сўз ва фикр эркинлиги учун ҳуқуқий ва институционал жараёнлар яратилди,

**Ҳақиқатан ҳам,
Бош қомусимиз
мустақил
давлатчиликнинг
ҳуқуқий
асоси, инсон
ҳуқуқлари ва
эркинликларини
кафолатлаб
берди.**

тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай бизнес муҳити шакллантирилди. Ҳеч шубҳасиз, инсон ҳуқуқи таъминланган, қадрланган жамият барпо этилди.

Табриқда қайд этилганидек, кейинги вақтда барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритаётган натижаларимизга шу нуқтаи назардан баҳо берар эканмиз, уларнинг замирида, энг аввало, инсонпарварлик ва халқпарварлик тамойиллари мужассам эканини ва улар ўз самарасини бераётганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилда аҳоли жон бошига даромад 3 минг 500 долларни ташкил этгани, мактабгача таълимда қамров 78 фоиз, олий таълимда эса 42 фоизга етгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайгани ва бошқа рақамларни келтириш мумкин.

Конституциямизга асосан давлат зиммасига юклатилган ижтимоий мажбуриятларни бажариш ҳамда юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1 миллион нафардан зиёд фуқаро камбағалликдан чиқарилди, камбағаллик даражаси 6,6 фоизга туширилди.

Бу нафақат жойлардаги ижтимоий муаммоларни тизимли ҳал этишга, энг асосийси, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигига реал шароит яратишга хизмат

қилмоқда. Чунки, камбағаллик моддий қийинчиликда, ночорликда кун кўраётган одамларга тааллуқли бўлган масала эмас. Камбағаллик халқнинг соғлиғи, давлатнинг имкониятлари, фуқароларнинг устувор ҳуқуқлари таъминланиши, умумий салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ масаладир.

Давлатимиз раҳбари шунингдек, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, ижтимоий таъминот, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида эришилган натижаларни ҳам санаб ўтди.

Шу маънода Конституциямиз нафақат қонунлар йиғиндиси, балки халқ ва давлатни бир-бири билан боғловчи, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига таъсир кўрсатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатга айланди. У мамлакатимиздаги сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда стратегик йўналтирувчи куч сифатида хизмат қилади ва ҳар бир ислохотни халқ манфаатида мувофиқ амалга оширишда асосий танач вазифасини бажаради.

Шу маънода Конституциянинг 33 йиллиги — бу барча юртдошларимиз учун чин маънодаги байрам. Бу сана Ватанга садоқат, қонунга ҳурмат ва жамият олдидаги масъулият ҳиссини янада кучайтиради.

Бош қомусимизга садоқат, қонунларга ҳурмат бу мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш демакдир. Конституция руҳи ва қоидаларига амал қилиш эса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи.

ИНСОНГА ИМКОНИЯТ БЕРИШ — ЭНГ КАТТА ЭЗГУЛИК



Иба НАРИЗОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар бир шахс хато қилиши мумкин. Аммо агар у хушёр бўлса ва ҳақиқатан ўзгариб, жамиятга қайтишни хоҳласа давлат бу имкониятни бермоқда. Чунки одамни жазолашдан мақсад — уни йўқ қилиш эмас, балки тузатиш, тўғри йўлга қайтариш ва жамият учун фойдали инсонга айлантиришдир.

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Ушбу ҳужжат давлатимизнинг бугунги сиёсатида мос иш бўлди. Хайрли ва савобли амал бўлди. Бу кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати замирида кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват мужассам эканини яна бир қарра намоён этди.

Фармонга мувофиқ, жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 615 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 220 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 123 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 97 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 175 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 9 нафарини чет эл фуқаролари, 29 нафарини аёллар, 23 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 264 нафарини ёшлар (шулардан, 2 нафари вояга етмаганлар) ҳамда 9 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва кечиримлилик каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу ҳужжат ҳаётда билиб-билмай хато қилган, қисмат ёки ҳолат таъсирида жиноят кўчасига кириб қолган фуқароларга яна бир бор имконият беришга қаратилган муҳим қадамдир. Бу адашган фуқароларни оғир кечмишдан қутқариш, унинг қалбида пушаймонликка йўл очиш, тўғри йўлни танлаб жамиятга фойда келтириш имконини бериш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Чунки ҳар бир инсон иккинчи имкониятга лойиқ. Агар у хатосини англаб, ўз устида ишлаб, жамиятга қайтишга интилаётган бўлса — бундай инсонларни қўллаб-қувватлаш,

уларни ҳаётга қайта қўшиш — бу ҳам давлатимиз, ҳам халқимизнинг азалий инсоф ва инсонпарварлик анъанасидир.

Мазкур фармон қанчадан-қанча кўнгилларга шодлик, оилаларга ҳаловат ва рўшнолик улашди. Бу кимнингдир ҳаётида янги саҳифа очди, кимнингдир оиласи, яқинлари севинди, кимнингдир онаси қувончдан кўзига ёш олди. Чунки афв фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, у инсон тақдири, оила бахти, фарзандларга қайтган меҳр, она дуоси, юракларга очилган умид эшигидир.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, бу ҳаётда адашган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечирриш яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир. Бу уларга ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, афв этиш — хато қилганларни кечирриш

давлатнинг ўз фуқаросига бўлган ишончи, меҳри ва масъулиятининг ёрқин ифодасидир. Чунки кечиримлилик ортида катта инсонпарварлик, халқимизга хос бағрикенглик ва инсон қадрига бўлган юксак эътибор ётади.

Афв этилган фуқароларга ўз оиласи бағрига қайтиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва бундан бўён юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш имконияти яратилди.

Бу имконият улар учун нафақат эркинлик, балки янги ҳаёт, янги масъулият ва янги ишонч бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, бу — ишонч. Ишонч берилган жойда эса ҳар доим ўзгариш, яхшилик ва келажакка интилган қадамлар пайдо бўлади. Шу боис, бу фармон нафақат ҳуқуқий қарор, балки одамларнинг қалбига умид солувчи, келажакка ишонч бағишловчи улкан инсонпарвар қадамдир.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ҚИШ МАВСУМИДА ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА ҚАНДАЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА?

Давлат раҳбарининг 2025 йил 2 апрелдаги қарорига мувофиқ, 2025/2026 йилги иситиш мавсумида ҳар бир эҳтиёжманд оилага бир миллион сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам берилиши белгилаб қўйилган. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва қиш мавсумини қийинчиликларсиз ўтказишига кўмаклашишдан иборат.

Бухоро вилояти мисолида кўриш мумкинки, ҳар бир оиланинг реал ҳолати ўрганилиб, юқоридаги ҳужжат ижроси доирасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

-Ҳудудимизда Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ва Камбағал оилалар реестрига кирган 41 мингта хонадон мавжуд,- дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи Умиджон Умаров.- Маҳалла тизими томонидан реестрларга кирмаган, бироқ реал эҳтиёжманд деб топилган қўшимча 14 минг оила ҳам аниқланган. Улар орасида боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган ва оғир касал аззоси бор оилалар, шунингдек, уч ва ундан ортиқ оила бирга яшайдиган хонадонларни учратамиз.

НЕГА БИР МИЛЛИОН СЎМ?

Статистик ўрганишларга кўра, ўтган йилги иситиш мавсумида республикамизда кам таъминланган оилалар ўртача 254 кВт электр энергияси ва 514 куб метр табиий газ истеъмол қилган. Тарифларнинг ошиши натижасида уларнинг тўрт ойлик қўшимча харажатлари 815 минг сўмга қўпайган. Шу боис ажратилган 1 миллион сўм моддий ёрдам ушбу харажатларни тўлиқ қоплашга етади.

Маблағларнинг адолатли тақсимланиши учун ҳар бир оила тўғрисидаги маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралар

ахборот тизими орқали инсон омилисиз баҳоланиб (скоринг) кўриб чиқилди. Мазкур мақсадлар учун 1,2 триллион сўм тижорат банкларига тўлиқ ўтказилди. 30 октябрь куни банк пластик картаси мавжуд бўлган оилаларга моддий ёрдам келиб тушди. Картаси йўқларга эса “сайёр кассалар” орқали нақд шаклда етказилмоқда. Аҳоли муурожаатларига тезкор жавоб бериш мақсадида 11-40 қисқа рақамли Call-марказ фаолият юритмоқда.

МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ

- Маҳалламизда 8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, - дейди Бухоро тумани “Дехча” МФЙ ижтимоий ходими Нозима Олимова.- Маҳалламизда 120 нафар ногиронлиги бўлган шахс, 35 та оила Камбағал оилалар реестрида, яна 48 та оила Ижтимоий ҳимоя ягона реестрида рўйхатга олинган. Аҳолининг турмуш шароити, айниқса, эҳтиёжманд қатламнинг ҳолати доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Иситиш мавсумида коммунал тўловларнинг ошиши, табиий газга бўлган талабнинг ортиши биринчи навбатда даромади паст оилаларга сезиларли таъсир кўрсатади. Шу боис, ушбу мавсумда 106 та эҳтиёжманд ва камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлган оилаларга 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам берилди. Бу жараёнда, аввало, ҳақиқий муҳтожларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун аҳоли билан бевосита суҳбатлар



ҳаётиимизни анча енгиллаштирди. Маҳалламизнинг ижтимоий ходими оиламдаги аҳволни ўрганиб, кичкина фарзандим учун боғча тўлови имтиёзли асосда бепул қилинишига ёрдам берди. Менга тикув машинаси ажратилгани эса янги имконият эшигини очди — тикувчилик қилиб, оз бўлса-да, даромад топа бошладим. Яқинда эса иситиш мавсуми учун моддий ёрдам олганимиз бизни янада қувонтирди. Чунки ҳар ой тўпланиб борадиган коммунал тўловлар — электр энергияси, табиий газ, совуқ сув учун маблағ етмай қолиши билан боғлиқ ташвишлар бизга бегона эмас.

Дарҳақиқат, моддий жиҳатдан қийналаётган оилалар учун бу ёрдамлар нафақат моддий кўмак, балки маънавий-руҳий далдадир. Ҳаётий қийин вазиятдаги оилалар ўз муаммолари билан ёлғиз қолмаётгани, ҳар бир инсон кадрли экани ижтимоий давлатга хос манзарадир. Ёрдам қўли чўзилган сари эҳтиёжманд ҳамюртларимизнинг ислохотларга ишончи, эртанги кунга ўмиди янада мустаҳкамланади.

Шаҳло БАҚОЕВА,
журналист.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Қашқадарё:

ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган.

Партиянинг Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан “Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Қайд этилишича, вилоятда бугунги кунда 5879 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар истиқомат қилади. Жорий йилда уларнинг 2060 нафарига қонуний вакиллар бириктирилган. Ҳозирда 174 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар олий таълим муассасаларида таълим олмоқда.

Масъулларнинг келтиришича, бу йил

вилоятда 48 нафар шундай тоифадаги болаларга уй-жойлар берилган.

Вилоят болалар уйида тарбияланиб келаётган болаларнинг оиласини суриштириш натижасида 12 нафари ота-онасига, оилавий ҳаётга қайтарилган. Уларнинг ҳолати ҳар ойда мониторинг қилиниб, ёрдам кўрсатилмоқда.

Шунингдек, 14-23 ёш оралиғида бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларнинг 1407 нафарига “Индивидуал интеграция режаси” асосида хизматлар шакллантирилган.

Тадбир давомида партия фаоллари, депутатлар айрим масалаларга эътибор қаратди.

Хусусан, “Меҳр” дафтари орқали маблағ ажратиш бўйича 13 та йўналишдан 10 таси ишга тушгани, аммо бу борада натижадорлиқни ошириш зарурлиги қайд этилди. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича муурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш борасида айрим сусткашликларга йўл қўйилмоқда.

Олий таълим ташкилотларига ўқишга кириш учун тайёрланиш харажатларини қоплаш ҳақидаги 26 та муурожаатнинг, ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлаш учун асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини харид қилиш тарзидаги ижтимоий ёрдамни кўрсатиш борасидаги 35 та муурожаатнинг ҳал қилиниши бўйича депутатлик назорати ўрнатиладиган бўлди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган таълим олаётган ва мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган вояга етмаган болалар ҳақида “Инсон” марказларига тезкорлик билан хабар берилишини ташкил этиш борасида масъулиятни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, васийликка, ҳомийликка, патронатга ва оилавий болалар уйларига олинган болаларни турли тўғарақларга жалб этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият ва Бандлик бошқармалари билан доимий ишлаш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида масъул идоралар, мутасадди ташкилотлар билан доимо ҳамкорликка тайёрлиги маълум қилинди.



Бекобод:

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН 135 ТА ХОНАДОН ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН БЎЛДИ

Партиямиз Бекобод туман кенгаши депутати И.Қодирова “Ўрикзор” маҳалласида бўлиб, аҳоли муурожаатларини тинглади. Фуқароларнинг маълум қилишича, маҳалладаги 135 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланмаган.

Депутат масалани жойига чиқиб ўрганганида уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун бор-йўғи 200 метр полиэтилен қувур ҳамда техника кераклиги аниқланди. Халқ вакили муаммони ҳал қилиш учун туман ҳокими ўринбоса-

ри У.Ҳаққулов ҳамда сув оқава корхонаси билан боғланди.

Натижада мутасаддиларнинг ёрдами ва ҳомийларнинг кўмаги билан хонадонларга тоза ичимлик суви тортиш ишлари бошлаб юборилди.

Нукус:

“ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ”ДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан Нукус шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейида Конституциямиз қабул қилинганлигининг ўттиз уч йиллигига бағишлаб мулоқот ташкил этилди.

Мулоқотдан кўзланган асосий мақсад – ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, фуқаролик масъулиятини ошириш ҳамда Конституцияда назарда тутилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш маданиятини кенг тарғиб қилишдир.

Шунингдек, янги тахрирдаги Конституцияни ҳаётга татбиқ этишда ёшларнинг иштироки жуда муҳим аҳамият касб этиши, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол, масъулиятли ва ташаббускор бўлиши учун барча асослар Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилгани таъкидланди.



ҚАРИЙБ БИР ЙИЛ: ЁДИМИЗДА НИМАЛАР ҚОЛАДИ?

2025 йил ҳам якунига етай деб қолди. Ҳозир бир йил давомида нималар қилдиг-у нималарни бой бердик, деган саволларга жавоб берадиган палла. Тўғри, бу ҳақда ҳар кимнинг ўз фикри ва қарашлари бор. Аммо фаолиятимизга назар солсак, қилинган ишлар натижаси кўп нарсани ойдинлаштиради.

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало Самарқанддаги депутатларга юзландик. Хўш, сайловдан кейин бир йил ўтди, депутатлар учун эсда қоларли нималар бўлди? Умуман, халқ вакилларининг бугунги кайфияти ҳақида нима дейиш мумкин?

Исмат САНАЕВ, Ўзбекистон ХДП Пахтачи туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси:



– Бу даврда ўзимни депутат сифатида қабул қилишим, унинг масъулиятини, вазифаларини англаб олишга ҳаракат қилдим. Ёдимда қоладигани шуки, одамларга, жамиятга яқинлашдим, инсонларнинг ўйларини, вақти келганда ташвишларини тушуниб бордим. Бизни сайлаган одамларнинг ишончи ҳамиша мени ҳаракатда бўлишга ундади ва ҳамон шу нуқтаи назар билан фаолият юритяпман. Ўтган вақт ичида ҳудудимиздаги муаммоларни ўрганишга, уларга ечим топишга ҳаракат қилдик. Давлат дастурига берилган тақлифлар асосида ҳудудларни ривожлантириш бўйича кўчаларни асфальт қилиш, трансформаторларни яхшилаш каби бир қатор аҳолини ўйлантириб келаётган масалалар ҳал этилишига эришилди. Халқ депутатлари Пахтачи туман Кенгашидаги 25 нафар депутатнинг 9 нафари Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоларидир. Бир нарсани ишонч билан айта оламан, партия гуруҳимизнинг халқ орасида ҳам, депутатлар орасида ҳам обрўси яхши. Партия гуруҳимиз туман Кенгаши доимий комиссиялари, ҳокимлик ва ижроия органлар

олдида ўз сўзига ва мустаҳкам позициясига эга. Бирорта сессия йўқки, унда партия гуруҳи томонидан долзарб масалалар киритилмаган бўлса. Бу ҳам бизга катта имконият беради. Юбораётган депутатлик сўровларимиз жавобсиз қолмайди. Аҳоли билан учрашувлардаям энг кўп муножаатлар бизга билдирилади. Чунки кўтарилган масалалар ҳал этилгач, натижаси етказилади, одамлар ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради. Агар бирор жўяли тақлифимиз инобатга олинмасдан қолса, тортишишга, фикримизнинг асосли эканини исботлашга тўғри келади. Яқинда тумандаги ижтимоий соҳа объектларида куз – қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ўрганилди ва 2025 йил 17 ноябрдаги туман Кенгашининг сессияси кун тартибига киритилди. Ўзбекистон ХДП гуруҳи томонидан ўрганишлар жараёнида маълум бўлдики, бир қатор мактаб, МТТ ва тиббиёт соҳасидаги иситиш тизимидаги қозонхоналарда носозликлар мавжуд ва иситиш учун масъул ходимлар етишмайди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш борасидаги масалалар аввал ЎзХДП гуруҳ йиғилишида кўриб чиқилди. Юқоридагиларга асосланиб ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши қарор қабул қилди. Унга кўра, жами ижтимоий соҳа объектларидаги 569 донга қозонлардан жорий йилда 105 таси таъмирланиши ва модернизация қилиниши ҳамда 3 та кўмирхоналар таъмирланиши ва қурилиши ва 3420 та қувурлар алмаштирилиши белгиланган. Ушбу ишларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиши бўйича қарор қабул қилинди. Умуман, одамларни қийнаб келаётган яна бир масала ечим топадиган бўлди. Албатта, сессия қарорига эришиш бу йўлдаги илк натижа бўлса, унинг ижросини таъминлаш муҳим ва асосий жараён саналади. Бунда эса биз депутатлар фаоллик ва зийракликни бой бермай, назорат ўрнатишимиз зарур. Йил якунланиб қолди, ҳисобот беришимиз керак. Кимдир йил давомида нима иш қилдим, нима деб жавоб бераман, деган андишада юргандир. Ҳеч иккиланмасдан токи ваколатимиз тугагунга қадар шаҳдам ҳаракат қилишимиз зарур. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Гулшан МИРЗАЕВА, Ўзбекистон ХДП Нуробод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати:



– Халқ депутатлари туман Кенгашидаги 25 нафар депутатнинг 8 нафари Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоларидир. Яқинда туман экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар ўрганилди ва Кенгашнинг доимий комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, сессия кун тартибига киритишга тақлиф берилди. Ўзбекистон ХДП гуруҳи томонидан ўрганишлар жараёнида бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш учун партия гуруҳи томонидан “яшил макон” ташкил этилаётганда сўғориш тизимини инобатга олиш, жойни тўғри танлаш масаласи ўртага ташланди ва бу йўналишда депутатлик назоратини кучайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Нурали ҚИЯМОВ, халқ депутатлари Иштихон туман кенгаши депутати, халқ депутатлари туман кенгаши котибият мудир:



СЎЗ – ДЕПУТАТЛАРГА

– Депутат бўлиб сайланганимдан буён туманимизда кўп ўзгаришлар, янгиликлар бўлди. Обод маҳалла, Обод қишлоқ дастури асосида ҳудудларда бир қатор ишлар қилинди: кўчалар асфальтланиб, янги мактаб-боғчалар қурилди, айримлари қайта таъмирланди. Ички йўллар яхшиланди, қатор соҳаларга инвестициялар киритилди. Партия гуруҳининг тумандаги обрўсига келадиган бўлсак, аини пайтда қоникарли, десам адашмайман. Чунки Иштихон туман Кенгашида партия гуруҳи ҳар чоракда режадаги масалаларни доимий комиссияларда кўриб қияепти ва сессия кун тартибига киритиб, қарор қабул қилинишига эришмоқда. Вазият танқидий-таҳлил қилиниб борилмоқда. Жумладан, партиямиз гуруҳининг тақлифига биноан Иштихон тумани “Инсон” ижтимоий маркази директори Зоҳид Баитов ва туман оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбари Феруза Чинорованинг ҳисоботлари эшитилди. Соҳада кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, ҳар чорак якуни бўйича назорат тадбири ўтказилиши белгиланди. Ўзининг депутатлик мақомини, ҳақ-ҳуқуқини билган, вазифа ва мажбуриятларини ҳис қилган депутатлар кўпчилик. Лекин, афсуски, суств ва лоқайдлар ҳам йўқ эмас. Ўйлашимча, депутатлик ваколатлари, бурч ва мажбуриятларини билмаган одам халқ билан мулоқот қилолмайди. Йил давомида битта депутатлик сўрови чиқармаган ёхуд халқ олдида бир марта ҳам ҳисобот бермаган депутатлар чиқиб қолади. Шуниси аниқки, ташаббус кўрсатмаган, одамларнинг оғирини енгил қилмаган депутатнинг ҳурмати ҳам, обрўси ҳам бўлмайди.

ВИЛОЯТДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Марказий Кенгашнинг масъул бўлими берган маълумотларга қараганда, Самарқанд вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 50 га яқин масала партия гуруҳларида ва доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилинган. Уларнинг 36 таси сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бу кўпми ёки кам, деган ҳулоса қилмаймиз. Шунчаки, кўтарилган ҳар бир масала ортида инсон манфаати, ҳудуд ривожига турган экан, унинг долзарблиги, аҳамияти юқори бўлаверади. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, тафовутни кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд, Иштихон, Пахтачи, Нарпай туманларида 7-8 тадан масала сессияга киритилган бўлса, Оқдарё, Қўшработ, Пайариқ туманларида бор-йўғи 2-3 тадан масала муҳокамага қўйилган. Демак электорат ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлардан амалий натижалар кутилади.

Бугун ҳудудларда янгиликлар кўп, одамларни ўйлантираётган, ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас. Ютуқларда ҳам, тўғрисиини айтганда, камчиликларда ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатларининг озми-кўпми ҳиссаси бўлаяпти. Уларнинг қайта ишланмаган, зеб берилмаган фикрлари, хулосаларидан кўп муҳим нарсаларни тушуниш мумкин.

Чунки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз жойларда Халқ демократик партиясининг электорати манфаатларини ифодалайдиган, ҳимоя қиладиган энг муҳим кучдир.

Қодиржон ИСАҚОВ, халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:



– Ўтаётган йилга назар ташлайдиган бўлсак, сайлов округим ҳудуди мисолида қатор эзгу ишлар амалга оширилганини айта оламан. Жумладан сайлов округимга қарашли "Тайпоқ" маҳалла фуқаролар йиғини марказдан анча узоқда жойлашгани боис, йиллар давомида электр таъминотида узилишлар кузатилиб келган. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида ҳудудда замонавий

куёш фотоэлектр станцияси қуриш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа амалга оширилгач, маҳалла аҳолиси барқарор ва узулқисиз электр энергияси билан таъминланади. Шу билан бирга, Данғара тумани "Боғиш" маҳалласида 840 ўринга мўлжалланган “Mendeleev School” хусусий мактаби фойдаланишга топширилди. Таълим маскани учун 20 миллиард сўм сарфланган бўлиб, ўқувчиларнинг билим олиши, иқтидор ва салоҳиятини ривожлантириш учун замонавий шароитлар яратилган. Бу мактаб ҳудуддаги таълим имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида чекка қишлоқларга кўп борамиз. Одамларнинг муножаатлари асосида ёки ўзимиз кўрган, кузатган камчиликлар, муаммолар юзасидан тақлифлар тайёрлаймиз, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари жўнатамиз. Маҳаллаларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аҳолининг бандлиги, айниқса, чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича бир қатор муножаатлар келиб тушмоқда. Аҳоли чорвачилик фаолиятини ташкил этиш учун ажратиладиган кредит маблағлари орқали маҳаллий бозорлардан арзон ва сифатли чорва молларини харид қилиш имконини яратиб беришни сўрамоқда. Бундан ташқари,

камбағаллик реестрида туриб, чекка ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида туман марказидаги мономарказларда ўқитиш йўлга қўйилган. Аммо марказга қатнаб ўқиш улар учун маълум қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис, ўқув курсларини уйига яқин умумий ўрта мактабларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Бу фуқароларнинг ўқув жараёнига қамровини оширади ва уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади.

Олимжон БАБАЕВ, халқ депутатлари Бўстонлиқ туман кенгаши депутати:



– Йил давомида одамларни қийнаб келаётган қатор муаммоларни ҳал қилганимиздан хурсанд бўламан. Масалан, Бўстонлиқ тумани ҳудудларида депутатлик гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида кўпгина электр устунлари ёғочдан бўлиб, бу авария ҳолатларини, симёғоч таянчларининг қийшайиб кетиш, эскиргани сабаб қулаш эҳтимоли борлиги маълум бўлди. Депутатлик гуруҳимиз бу муаммони доимий комиссияда кўриб чиқди. Сессия кун тартибига ҳудуддаги ёғоч таянчли

симёғочларни бетон таянчга алмаштириш чораларини кўриш масаласини киритиш бўйича тақлиф билан чиқди. Шунингдек, туманда 300 нафардан ортиқ болажонлар мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиниши керак, демакки туманда яна камида 2 та мактабгача таълим муассасасини қуриш зарур. Тумандаги 30-сонли умумтаълим мактабининг таъмири 2026 йил дастурига киритилган бўлиб, 16 миллиард сўм маблағ ажратилган. Аммо дастурга мактаб спорт майдони киритилмаган. Ушбу масалани ҳам депутатлар ўз назоратига олган. Туманни ривожлантириш учун маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш, инфратузилмани (тиббиёт, экология, энергия) ривожлантириш ва хизматлар соҳасини кенгайтириш зарур. Бундан ташқари, давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтиларини ривожлантириш ва коррупцияга қарши курашиш ҳам муҳим, деб ўйлайман. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган. Бу йўналишлар соҳага инвестицияларни жалб этиш, таълим тизимини модернизация қилиш, мактабгача ва олий таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яхшилаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишни ўз ичига олади.

*** Ҳақиқатан ҳам, маҳаллий Кенгашлар уйғоқ экан, ҳудудлар ривожланади, депутатлари фаол

“**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР УЙҒОҚ ЭКАН, ҲУДУДЛАР РИВОЖЛАНАДИ, ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛ ЭКАН, ТУМАН-ШАҲАРЛАРДА АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ.**”

экан, туман-шаҳарларда аҳолини ўйлантираётган масалалар бартараф этилади. Биз юқорида бир неча депутатнинг амалий ишларига қисқасгина тўхталдик ҳолос. Энди тасаввур қилинг, ҳар бир туман, шаҳар, вилоятнинг қанчадан-қанча депутати, халқ сайлаган вакиллари бор. Ҳамма юраги ёниб ишласа, ишонччи оқлаш учун беҳаловат бўлса, қанчадан-қанча муножаатлар ҳал бўлади, одамларни ўйлантираётган кўпдан-кўп масалалар ечилади. Шундай масалалар борки, вақт ҳам, катта маблағ ҳам талаб этмайди. Шунчаки эътиборнинг ўзи ҳал қилиш учун етарли. Фақат депутат сайловчилари учун жон қуйдирса бўлди.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



ОДАМЛАР ОРАСИДА...

ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАН ЭЪТИБОР

Орамизда яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига бош бўлаётганлар кўпчиликини ташкил қилади. Илм-фан, sanoat, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда фидойилик намуналарини кўрсатаётганларни истаганча топиш мумкин. Денов туманидаги “MDS DOKTOR-X” хусусий клиникаси раҳбари, партиямиз фаоли Эътибор Хўжаева ҳам ана шундай замондошларимиздан бири. Шижоаткор ва ташаббускор аёлни кимдир “нажот фариштаси” деб ҳурмат қилса, бошқа биров “дўхтир опа” дея эъозлайди.

– Меҳнат фаолиятимга 40 йилча бўлди, – дейди Эътибор опа ўйга чўмган ҳолда. – Узоқ йиллар турли муассаса ва турли лавозимларда меҳнат қилдим. Аммо ҳалоллик ва ҳушмуомилалик доимий шиорим бўлган. Шунинг учун кўпчилик ҳурмат қилади. Бундан ғурурланиб, фахр ҳиссини туяман.

Нуфузли туғуруқхонада раҳбарлик қилардим. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, 2007 йилнинг баҳор ойларида хусусий шифохонага тамал тоши қўйилди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, кўркам ва шинам уч қаватли иншоот (2020 йилда қайта таъмирланиб, тўрт қаватли бўлди) қад ростлади. Жихозлар Япония, Хитой, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтирилган бўлиб, ўнга ақин хасталикларга шифо бахш этилмоқда. Ўттиз нафарга яқин кишининг бандлиги таъминланган. Халқимизнинг узогий яқин, мушқули осон бўлаётганидан бахтиёримиз.

Замонавий масканнинг фойдаланишга топширилгани ўз даврида нафақат 430 мингга яқин деновлик аҳоли, балки қўшни Олтинсой, Узун, Сарийосиё, Шўрчи туманларининг 850 минг нафардан ортиқ халқи учун ҳам янгилик бўлганди. Бугунги кунда Тожикистон, Афғонистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан келган беморларни ҳам учратиш мумкин. Бу эса юртимиз тиббиёти йил сайин ривожланаётганидан далолат беради.

– Беш нафар фарзандим бор, – дейди Узун туманининг “Тожиқобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Азизмоҳ Жўраева. – Бир неча йил олдин автоҳалокатга учрагандим. Уйдагилар шу масканга олиб келишган экан. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан оилам бағрига қайтдим. Бугун кўрикка келганларим. Жонкуяр инсонлар ўз қадрдонларидек кутиб олишди. Соғлигим яхши эканлигини эшитиб нихоятда хурсанд бўлдим. Оқ халатли “фаришталар”дан бир умр миннатдорман.

Тиббиёт ходимларини ёниб турган шамга қиёслаш мумкин. Шам атрофга ёруғлик таратиб турганидек, соҳа вакиллари ўзгалар қувончи, бахт-у иқболи йўлида бор куч ва салоҳиятларини ишга солиши шубҳасиз. Улар беморларга нафақат дори-дармон, балки ширин сўз, қайноқ меҳр тафти

билан ҳам даво бахш этишлари турган гап.

– Мамлакатимизда кечаётган изчил ислохотларда фаол иштирок этиш ҳар бир партиядошимиз, бошлангич партия ташкилоти етакчилари ҳамда депутатларимиздан юксак масъулият талаб қилиши табиий, – дейди Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. – Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1, халқ депутатлари туман Кенгашида 7, вилоят Кенгашида эса 1 нафар депутат иш олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда эса Абдусмад Ҳожикулов, Муҳаммади Абдурайимов, Бобуржон Хидиров, Дилноза Каримова, Шахло Қодирова, Бахтиёр Ахоров каби ташаббускорлар партия электротат вакилларининг ҳақиқий таянч ва суянчига айланган.

Эртанги нурафшон кунлар ва порлоқ келажак учун мустақкам пойдевор қўяётган Эътибор Хўжаевадан ўрнат олса арзийди. Ёшларга ибрат бўлгулик жиҳатлари кўп. Қаҳрамонимизнинг уч марта маҳаллий кенгашларга депутат бўлгани ҳам бунинг ҳаётий исботидир.

Шу ўринда унинг айрим эзгу амаллари хусусида ҳам тўхталмоқчиман: “Юрчи қўрғони” ва “Файзли” маҳаллалари туман марказидан 8-10 километр олисда жойлашган. Ўн минг нафардан ортиқ аҳолини кўп йиллар табиий газ ва тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келган. Янгиликка интилувчан инсон ташаббуси билан 2020 йилда долзарб масалалар ижобий ҳал қилинганидан маҳалладошлар мамнун.

Олийҳиммат ва элпарвар замондошимизнинг “Файзли” маҳалласидаги 20 та кам таъминланган оилани ўз оталигига олгани эса янада қувонарли. Наврўз, Мустақиллик, Янги йил ва бошқа байрамларда электротатимиз вакиллари совғалар топшириш анъанага айланган. Шу билан бир қаторда ечимини қутаётган масалалар ўрганилиб, бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланади. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган партиядошимизнинг хайрли ишлари бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ФИДОЙИЛИК ОРТИДАГИ БАХТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Шифокор ҳар кун и ўзгалар ҳаётини асраш учун курашади. Унинг кўлидаги скальпель ёки фонендоскоп бор-йўғи тиббий восита, холос. Шифокорнинг кучи, қудрати унинг қалбидаги инсонийликда, зиммасидаги эалворли масъулиятни теран ҳис эта билишида, табиийки, йиллар давомида шаклланган касбий билим ва тажрибасидадир. Бугун юртимизда халқ саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини асраш, юқумли бўлмаган касалликларнинг, хусусан, онкологик хасталикларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда ўз тажриба мактабини яратган шифокорлар орасида профессор Мэлс Кабуловнинг ўрни алоҳида.

М. Кабулов ўтган асрнинг 60-йилларида Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олгач, Қорақалпоғистон Республикаси силга қарши курашиш диспансерида меҳнат фаолиятини бошлади.

Одатда аксар инсонлар олий таълимдан сўнг мутахассислиги бўйича иш жойига эга бўлгач, бир маромда ҳаёт кечиришни афзал биладилар. Танлаган соҳани чуқур ўрганиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш, уйқусиз тунларни тонгларга улаб изланишга ҳамма ҳам журъат этавермайди. Айниқса, шифокорликда бу йўлнинг бошини тутиш ростмана игна билан қудук қазииш кабидир. Мэлс Кабулов айни шу танловни ҳаётининг мазмун-моҳияти деб билди.

Ўша даврда Орол денгизи соҳилининг чекина бошлагани, экологик талафотнинг бўй кўрсатиши таъсирида маҳаллий аҳоли орасида турли касалликлар, жумладан, саратон аталмиш оғир дардга чалиниш ҳолатлари ортиши ёш Мэлсинг ҳаловатини ўғирлади. У Н.

Н. Петров номидаги онкология илмий текшириш институти (Россия)да ординатурада, сўнг аспирантурада таҳсилни давом эттирди. У ерда профессор Александр Раков, Роберт Вагнер каби жаҳон миқёсида танилган олимлардан билим олди. Қорақалпоқлик ғайратли йигитнинг илмга чанқоклиги, қобилияти устозлар эътиборини тортди. У ўпка юқори қисми саратони бўйича клиник-тажрибавий тадқиқот олиб бориб, 400 дан ошиқ беморнинг ҳолатини таҳлил қилди. Тадқиқотлар асосида ўсманнинг тарқалиши, метастазланиши, клиник кўринишлари ва оптимал хирургик даволаш ҳажми бўйича муҳим ҳулосаларга келди. 1973 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилинганидан кейин ҳам илмий изланишни тўхтатмади. Профессор Вагнер раҳбарлигида Қорақалпоғистонда кенг тарқалган қизилўнғач саратонининг олдини олиш, уни эрта босқичда аниқлашга оид докторлик ишини бошлади. Узоқ йиллик кузатувлар, беморлар устидаги тажрибалар, статистик таҳлиллар ва амалий тадқиқотлар самараси ўлароқ у мазкур касаллиқнинг эпидемиологияси, келиб чиқиш сабаблари, ташхис ва даволаш усулларини ёритувчи илмий асосланган йўналишни ишлаб чиқди.

Қорақалпоғистон онкология диспансерининг жаррохлик бўлимига раҳбарлик қилган йилларида Мэлс Кабулов юзлаб мураккаб операцияларни амалга оширди. 1974 йили эса у Қорақалпоғистонда ўпка саратонида радикал операцияни бажарган биринчи шифокор сифатида тарихга кирди. Бу фақат илмий-амалий маҳорат маҳсули эмас, балки катта жасорат ҳам эди.

М. Кабулов 1992 йилда “Қорақалпоғистонда қизилўнғач саратонининг олдини

олиш йўллари” мавзусида докторлик диссертациясини ёклади. Қизилўнғач ва ўпка саратони бўйича изланишлар, профилактика тадбирлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, статистик ва иммуногенетик тадқиқотларни олиб боришда улкан натижаларга эришди. Унинг фаолияти халқаро илмий доираларда эътироф этилди. Жумладан, таниқли олим жаҳон миқёсида нуфузли саналган “Вопросы онкологии” ва “Хирургия и онкология” (Россия) журналларига тахририят аъзоси этиб сайланди.

Профессор М. Кабулов фаолияти давомида 360 дан ортиқ илмий мақолалар, 5 та монография, 4 та ўқув қўлланмага муаллифлик қилди. 3 нафар фан номзодини тайёрлади. Илмий мақолалари АҚШ, Англия, Туркия, Жанубий Корея каби қатор давлатларнинг нуфузли журналларида нашр қилинди.

Унинг бошчилигида қизилўнғачнинг кўкрак қисми билан ошқозонни улашининг янги хирургик усули ишлаб чиқилди. Шунингдек, скальпельнинг янги турига патент олинди. 20 мингдан зиёд мураккаб ва юқори технологияли операциялар бажарилди, эндоскопик амалиётлар Қорақалпоғистон тиббиётини илк бор йўлга қўйилди.

Ў даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби, Қорақалпоғистон тиббиёт институти хирургик касалликлар ва трансплантология кафедраси профессори Мэлс Кабулов тимсолида минглаб инсонларга умид, шифо ва ҳаёт бағишлаган ҳазрати инсонни кўрамиз. Унинг шарафли умр йўли яна бир улкан ҳақиқатни тасдиқлайди: бахт осон танловларда эмас, захматли меҳнат ва фидойиликда.

Фотима ҚАЛАНДАРОВА,
журналист.

ҲАМКОРИМИЗ

Сўнгги кунларда жамоатчилик орасида турли соҳалардаги коррупцион ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар тез-тез кун тартибига чиқмоқда. Ижтимоий тармоқларда шундай воқеалар бўйича фикрлар, таҳлиллар ва муҳокамаларнинг кўпайгани фуқароларда шаффофлик ва адолатга бўлган талабнинг ошиб бораётганини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тизими, очик, жамоатчилик назорати ва иштирокига таянилган ҳолда ривожлантирилаётгани алоҳида аҳамиятга молик.

Ўзбекистоннинг йирик sanoat драйверларидан бири бўлган “UzAuto Motors” АЖда ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Охириги бир йилда корхонада компаенс тизими тубдан қайта кўриб чиқилиб, халқаро амалиёт талабларига мос равишда такомиллаштирилди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК барқарор ривожланишни таъминлайди

Бу жараён Президентнинг 2025 йил 5 мартдаги Миллий кенгаш йиғилишида белгилаб берилган вазифалар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилди. Энг муҳими, компанияда компаенс тузилмаси ISO 37001 (антикоррупция) ва ISO 37301 (компаенс бошқаруви) стандартларига мувофиқ қайта шакллантирилди. Натижада икки муҳим тузилма, яъни, Коррупцияга қарши курашиш ва хорижий нормаларга риоя этиш бошқармаси, шунингдек, Ички хавф-хатарларни мониторинг қилиш бошқармаси таъсис этилди.

Бугунги кунда “UzAuto Motors” АЖда компаенс фаолиятининг асосий тамойили фақат мавжуд муаммони жазо орқали ҳал қилишдан эмас, балки бу иллатнинг олдини олишдан иборатдир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ишчи-ҳодимларда қонун устуворлигига ишонч ва масъулият ҳиссини, адолатга бўлган интилишни кучайтириш тизимни



соғломлаштиришда энг самарали омил ҳисобланади. Шу боис “UzAuto Motors” компаенс хизмати фаолиятида хавфларни эрта аниқлаш, ҳодимлар билан очик мулоқот ўрнатилиш ва ишончга асосланган корпоратив муҳитни шакллантириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

Ушбу мақсадда 2025 йил давомида

271 та семинар ва тренинглар ташкил этилди. Ўқув семинарлари ҳамда мулоқотларга корхонанинг 14 283 нафар ходими жалб этилиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ва маҳаллий қонунчилик нормалари, компаенс сиёсати, мавжуд хавф-хатарлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари бўйича тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, 1 минг 400 дан ортиқ иш жараёнлари таҳлил қилиниб, хавф даражаларига кўра баҳоланди. Ҳар бир бўлим учун алоҳида хавф хариталари ишлаб чиқилиб, назорат механизмлари жорий этилди.

Қонун устуңлигига ишонч ва масъулият муҳити шаклланган жойда ҳар қандай муаммо ёки хавф жамоа томонидан ҳалол, очик ва адолатли йўл билан барҳам топади. Бу эса нафақат корпоратив маданиятни, балки компаниянинг умумий барқарор ривожини таъминлайди.

Манас ШАКИРОВ,
“UzAuto Motors” АЖ
Коррупцияга қарши курашиш
ва хорижий нормаларга риоя этиш
бошқармаси бошлиғи.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ОГОҲЛИК

АСЛО! ЧУНКИ БУ КАСАЛЛИКНИНГ ЮҚИШ ҲОЛАТЛАРИ ФАҚАТ АХЛОҚИЙ ОҒИШ ВА ТИЙИҚСИЗ ҲОҲИШ-ИСТАКЛАР ОҚИБАТИДА ЮЗ БЕРМАЯПТИ. КИМНИНГДИР ХАТОСИ ЁКИ ЛАҲЗАЛИК ЭЪТИБОРСИЗЛИК ТУФАЙЛИ БУ БАЛОНИ ЮҚТИРГАН АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР ҲАМ УЧРАЙДИ.

УМР ЗАВОЛИ

–Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш чоғида менда даҳшатли касаллик аниқланди – ОИВ, – дейди 24 ёшли Г. А. – Куёв томон тўй ҳаракатини тақат-тақ тўхтатди. Эшитган одам мендан ўзини олиб қоча бошлади. Мен эса қарахт бўлиб қолгандим. Қандай қилиб? Ахир шаънимга, ота-онам юзига доғ туширадиган иш қилмаганман-ку... Кейин суриштирувлардан маълум бўлдики, бир йилча олдин тишим оғриганида стоматологик муолажани қилган шифокор хатоси билан менга бу касаллик юққан экан. Ҳозирда даволаняпман. Лекин, биласизми, маҳалла-кўйнинг, оиламизга яқин инсонларнинг ҳалиям менга, менинг тарбиям ва юриш-туришимга ишончсиз қараши дилимни оғритади.

–Мақтабни битиришим билан мени қўшни қишлоқдаги йигитга узатишди, у йигит Россияда ишлайди, – дейди узоқ воҳадан бўлган келинчак Ш. Т. – Тўйдан тўрт-беш ой ўтгач, турмуш ўртоғим яна ишлагани кетди. Мен ҳомиладор эдим. Ҳомиладорлик бўйича поликлиникада рўйхатдан ўтишда тиббий текширувлар керак экан. Ана шундай текширувлар пайтида қонимдан ОИВ инфекцияси чиқди. Эримдан юқибди...

ДУНЁДАГИ ВАЗИЯТ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозирда дунёда ОИВ инфекцияси ташхиси қўйилган қарийб 40 миллион киши яшайди. Ҳар йили беморлар сони салкам 1,5 миллион нафарга кўпаймоқда. Касаллик кўпинча 20-50 ёшлилар ўртасида қайд этилади. Бу ҳасталикнинг узоқ вақт яширин тарзда кечиши, натижада беморнинг ўзи билмаган ҳолда бошқаларга ҳам касалликни юктириши билан боғлиқ. ОИТС паст ва ўрта даромадли мамлакатларда соғлиқни сақлашдаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, жаҳон ҳамжамияти ОИВ/ОИТСга қарши курашда тобора сезиларли ютуқларга эришмоқда. 1980-йиллар охири билан солиштирганда бу касалликка чалиниш кўрсаткичларида глобал пасайиш кузатилаётди. Шу билан бирга, юқори фаол антиретровирус терапияси (қонда ОИВ миқдорини имкон қадар камайтириш ва кўп йиллар давомида шу даражада сақлаб туришга қаратилган дори-дармонларни қўллаш) қамровининг ошиши ўн миллионлаб беморлар ҳаётини сақлаб қолмоқда. Хусусан, 2023 йилда 30,7 млн киши ОИВдан даволанган. Худди шу йили ОИВ билан яшаётган 1,2 млн ҳомиладор аёллар (84 фоизи) антиретровирус терапиясига қамраб олингани наадан болага касаллик юқишининг олдини олиш имкониятини оширган.

Бирок, бу ижобий тенденция хотиржам тортиш учун етарли эмас. Чунки БМТнинг 2025 йил июнь ойидаги ҳисоботида ҳар куни мингдан ортиқ одам ОИТСдан вафот этаётгани келтирилади. Шу билан бирга, ОИВ билан яшаётган одамларнинг деярли тўртдан бир қисми (9,3 миллион киши) даволаниш имкониятига эга эмас. Айрим жамиятларда ОИВ юққан инсонларга жисбатан ижтимоий стигмаларнинг мавжудлиги янада оғриқли.

Эслатиб ўтамиз, ОИВ инфекцияси инсон иммун тизимининг прогрессив равишда ёмонлашишига олиб келади, бу эса организмнинг турли касалликларга қарши курашиш қобилиятини пасайтиради. ОИВ инфекциясининг энг ривожланган босқичи орттирилган иммунитет



танқислиги синдроми (ОИТС) бўлиб, у касалликка хос бўлган 20 дан ортиқ оппортунистик инфекциялардан бири ёки айрим саратон турларининг мавжудлиги сифатида белгиланади.

Инфекция фақат жинсий йўл билан эмас, балки гиёҳванд моддаларни гуруҳ бўлиб томир орқали қабул қилганда, вирус билан зарарланган, текширилмаган қон ва унинг таркибий қисмлари қуйилганда, зарарсизлантирилмаган жарроҳлик, доялик, стоматологик ва бошқа тиббий асбоблар орқали муолажалар олганда, шприц ва игналардан умумий фойдаланилганда, инфекцияни юктириб олган ҳомиладор онадан болага жароҳатланган йўлдош орқали, бола туғилиши жараёнида туғуруқ йўллари ва болани эмизиш асносида она сути орқали юқади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳозирда дунёда ОИВ инфекцияси ташхиси қўйилган қарийб 40 миллион киши яшайди. Ҳар йили беморлар сони салкам 1,5 миллион нафарга кўпаймоқда. Касаллик кўпинча 20-50 ёшлилар ўртасида қайд этилади.

“95-95-95” СТРАТЕГИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 2030 йилга довур ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун «95–95–95» стратегияси илгари сурилган. Унда ОИВ юктириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фоизининг қонида вирус юқламаси аниқланмайдиган даражага тушиши кераклиги режалаштирилган.

Ўзбекистон эса ушбу стратегик мақсадга эришиш учун 2023–2027 йилларга мўлжалланган комплекс

чора-тадбирлар дастурини амалга оширмоқда. Президентнинг «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2027 йилда ОИВ инфекциясини юктириб олган ҳамда ўз мақомини билган, махсус даволаш курслари билан қамраб олинган ва қонида вирус юқламаси аниқланмайдиган даражага тушган шахслар кўрсаткичи 95 фоизга етказилиши керак.

Республика ОИТСга қарши курашиш маркази директори Баҳром Эгамбердиевнинг қайд этишича, айни пайтда юртимизда ўз мақомидан хабардор бўлган ОИВ билан яшовчилар 87 фоизга, беморларни антиретровирус муолажалари билан қамраб олиш кўрсаткичи 89 фоизга етган. Соҳанинг рақамлаштирилиши натижасида 18 ёшгача бўлган ОИВ инфекцияли болаларга нафақа тайинлаш, ҳомиладорлар, никоҳланувчилар ва аҳоли турли вакилларини ОИВга текшириш, беморларнинг тиббий кузатуви, хорижга чиқиш, донорлик ҳамда туғилиш маълумотларида аниқликка эришилиб, турли оворагарчиликларга чек қўйилган. Беморларга республиканинг қайси манзилида яшайдиган қатъий назар, чегарасиз тиббий хизмат кўрсатиш ва муолажа ўтказиш имконияти яратилган. Дориларни қабул қилишда узилишларнинг олдини олиш чоралари кўриляпти.

Бундан ташқари, ушбу инфекция билан яшовчи оналардан туғилган болаларга ОИВ юқишининг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёлларни инфекцияга текшириш қамрови юз фоизга етказилган. ОИВ аниқланган



““

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН 2030 ЙИЛГА ДОВУР ОИВ ЭПИДЕМИЯСИГА БАРҲАМ БЕРИШ УЧУН «95–95–95» СТРАТЕГИЯСИ ИЛГАРИ СУРИЛГАН. УНДА ОИВ ЮҚТИРИБ ОЛГАН ШАХСЛАРНИНГ 95 ФОИЗИ ЎЗ МАҚОМИНИ БИЛИШИ, МАХСУС ДАВОЛАШ КУРСЛАРИ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИНИШИ, 95 ФОИЗИНИНГ ҚОНИДА ВИРУС ЮҚЛАМАСИ АНИҚЛАНМАЙДИГАН ДАРАЖАГА ТУШИШИ КЕРАКЛИГИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

бўлғуси оналар ва улардан дунёга келган фарзандлар ретровирусга қарши дори воситалари, чақалоқлар олти ойлик бўлгунига қадар куруқ сут аралашмалари билан таъминланмоқда.

ШИВИРЛАБ ЭМАС, БОР ОВОЗ БИЛАН ГАПИРИШ КЕРАК

Мамлакатимизда ўрганишларга кўра, асосан 30–49 ёш ораллиғидаги шахслар ОИВ юктириб олган. Худудлар кесимида уларнинг энг кўпи пойтахтга, шунингдек, Тошкент, Андижон ва Сирдарё вилоятларига тўғри келади.

Рақамлар оз бўлса-да, барибир хавотирли. Бундай вазият аҳоли, биринчи галда ёшлар ўртасида соғлом ҳаёт ва тиббий маданият тарғиботини янада жонлантиришни тақозо этади. Жамиятимиз фаоллари жинсий тарбия бўйича, керак бўлса, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб “ёшга қараб” тушунтириш ишларини олиб бориш, мактаб ва ундан кейинги таълим босқичларида йигит-қизларда мазкур мавзуда билим-тушунчаларини бойитиш ҳаётий заруратга айлангани ҳақида бонг ураётганлари ҳам бежиз эмас. Маърифат ва огоҳлик бор жойда иллатлар чекинади.

Ҳар йили 1 декабрь санаси бутун дунё бўйлаб аънавий равишда Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни сифатида нишонланади. Бу санада ОИТС билан оғриганларни қўллаб-қувватлаш, хасталик аломатлари, ундан сақланиш шартларига оид долзарб мавзуга жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсад қилинади.

Одатда юртимизда ушбу кун муносабати билан кўпинча таълим муассасаларида, соғлиқни сақлаш ташкилотларида тор доирада тадбирлар ўтказилиши, матбуот ва ОАВда, интернет нашрларида соҳа мутахассисларининг чекланган ахборотлар асосидаги чиқишларини кузатамиз. Аслида бу мавзуда бугун шивирлаб эмас, аниқ таҳлилларга, эпидемиологик маълумотларга таянган ҳолда бор овоз билан, баралла гапириш керакка ўхшайди, шундай эмасми?

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ТАДБИР

ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ ЁШЛАР
САФИМИЗГА ҚЎШИЛМОҚДА



Хар қандай сиёсий кучнинг келажаги ёшларга боғлиқ. Сафларимизга янгиликка интилувчан ва ташаббускор ўғил-қизларнинг қўшилиши эса жонажон Ватанимиз тараққиётида муҳим ўрин тутishi табиий. Бу борада Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгашида хайрли ишлар амалга оширилаётгани қувонарли. Ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаётган партиядошларимиз томонидан турли мавзуларда тадбирлар ташкил қилинмоқда. Сайёр ва кўчма қабуллар ўтказилаётгани таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши ташаббуси билан Термиз давлат университетида ўтказилган депутат ва ёшлар учрашувида ҳам шулар ҳақида сўз юритилди.

Халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари Гулшод Шафоатова ва Беҳруз Умаровлар истиқлол дилбандлари учун юртимизда қулай шароитлар

яратилганини алоҳида таъкидлашди. Эртамиз эгаларининг билим олиши ва хунар эгаллаши йўлида тарихий ислохотлар амалга оширилаётгани эътироф этилди. Шунинг учун имкониятни бой бермаслик ва фурсатдан унумли фойдаланиш давр талаби эканлигига эътибор қаратилди.

– Худудда юз минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилса, ўттиз фоизга яқинини мустақиллик авлодлари ташкил қилади, – дейди Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Термиз туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Гулшод Шафоатова. – Демак, ворисларимизнинг ҳар жиҳатдан салоҳиятли йигит-қизлар бўлиб вояга етишлари доимий эътиборимизда бўлиши лозим. Шулар инobatга олинган ҳолда ҳамкор ташкилотлар билан махсус “йўл харитаси” асосида иш олиб бораёпмиз. Асосий мақсад – чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги уюшмаган ёшларни ҳам қамраб олишдир.

Самимий руҳда кечган тадбирда талабалар ўзларини қизиктирган саволларга атрофлича жавоблар олишди. Амалий таклифлар билдирилиб, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Ҳар жиҳатдан фойдали анжуманларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Абдумалик БОТИРОВ.



Сени ким ёмонласа, сен уни мақтагин, ўшанда у ярамас, тубан, сен яхши одамлар қаторида бўласан.

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,
хулқи тўғри бўлган киши тўрга чиқади.

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди

Заковатли уқади, билимли билади,
билимли, заковатли тилакка етади.

Мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, олқинади,
ёзилса-чи, сўз абадий қолади, оламни кезади.

Бошқаларга зиён истама,
ўзинг ҳам зиён кўрма,
фақат яхшилик қил, ҳавас ва орзуни билгин.

Тамагир билан асло яқин бўлма,
шубҳасиз у сенга душман бўлади.

Тирикликнинг, ҳаётида яшашнинг бош маъноси бу бошқаларга наф етказишда, жамиятга фойда келтиришдадир.

* * *
Яхши била туриб ёмонлар ичига кирса, уларга аралашса, ёмонларнинг яхши бўлишларига йўл очади.

Ҳар қандай касб-хунар эгаси учун лозим бўлган фазилатларнинг энг муҳими билимдир.

Юсуф Хос Ҳожиб



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси ЎзХДП Нуробод туман кенгаши раиси, туман кенгаши депутати **Райимўзоқ УСАНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РАҚИБЛАРИ
МАЪЛУМ БЎЛДИ

АҚШ пойтахти Вашингтонда жойлашган “The Kennedy Center” мажмуасида ФИФА томонидан 2026 йилги жаҳон чемпионатида кўрға ташлаш маросими ўтказилди.

Мусобақа тақвимида кўра, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати гуруҳ босқичининг учта ўйинини икки мамлакатда, яъни, Мексика ва АҚШ (учта шаҳар)да ўтказади.

Миллий терма жамоа «К» гуруҳидаги дастлабки учрашувни 2026 йил 18 июнь кuni Тошкент вақти билан соат 8:00 да Мехикода Колумбияга қарши ўтказади. Иккинчи ўйин 23 июнь кuni соат 23:00 да Хьюстонда бўлиб ўтади ва унда Португалия терма жамоаси рақиблик қилади. Учинчи ўйин 28 июнь кuni соат 5:30 да Атлантада, Янги Каледония, Ямайка ва Конго Демократик Республикаси ўртасидаги китъалараро плей-оффда аниқланадиган жамоага

қарши ўйин билан якунланади.

Маълумотларга кўра, ҳозирга қадар чемпионатда 42 та терма жамоа иштирок этади. Яна олтига жамоа 2026 йил март оyi охирида бўлиб ўтадиган плей-офф ўйинларида аниқланади.

Миллионлаб футбол ишқибозлари интиқлик билан кутаётган жаҳон чемпионати 11 июндан 19 июлгача бўлиб ўтади ва 39 кун давом этади. Плей-офф формати ҳам ўзгарди: 1/16 финалга нафақат ҳар бир гуруҳдан энг яхши икки жамоа, балки учинчи ўринни эгаллаган саккизта терма жамоа ҳам чиқади. Шу тариқа, плей-офф босқичига 32 та жамоа йўл олади.

Маълумот учун, Португалия терма жамоаси бош мураббийи Роберто Мартинес кўрға натижалари ҳақида фикр билдириб, гуруҳдан мамнунлигини, ЖЧ-2026 га тайёргарликни бошлаш фурсати келганини, Колумбия ва Ўзбекистон жиддий рақобатчи жамоалар эканини таъкидлаган бўлса, миллий терма жамоамиз сардори Элдор Шомуродов “К” гуруҳдан кейинги босқичга чиқиш



имкониятимиз етарлилигини айтиб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон, Иордания, Кабо-Верде ва Кюрасао терма жамоалари ўз тарихида илк бор футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этмоқда. Жаҳон чемпионати ўз номи билан катта мусобақа. Бу жойда кучсизлар бўлмаслиги тайин. Чемпионат чиптасини нақд қилган жамоа борки, муваффақиятга эришиш умидида режаларни белгилайди. Демак, жаҳон чемпионатининг шов-шувларга, ҳис-ҳаяжонларга тўла янги даври арафасидамиз.

АБДУҚОДИР, АББОС ВА ЭЛДОР – ЭНГ
ҚИММАТ ФУТБОЛЧИЛАР РЎЙХАТИДА

2026 йилги жаҳон чемпионатида кўрға ташланганидан кейин трансферларга ихтисослашган нуфузли “TransferRoom” маркази

мазкур мундиалда дебют қиладиган терма жамоаларнинг энг қиммат ўйинчилари рейтингини тузиб чиқди.



“TransferRoom” маркази ушбу жамоалар ўйинчиларининг трансфер қийматларидан келиб чиқиб, “Манчестер Сити” клуби ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси химоячиси Абдуқодир Ҳусановни 2026 йилги жаҳон чемпионати дебютантлари орасида энг юқори баҳоланган футболчи сифатида эътироф этди. 21 ёшли ўзбек футболчиси рейтингда 47,8 миллион евро қиймат билан энг юқори поғонада қайд этилган.

Рўйхатнинг иккинчи қаторида Испаниянинг “Вильярреал” клубида ўйнаб келаётган Кабо Верде терма жамоаси марказий химоячиси Логан Коштанинг трансфер нархи 21,7 миллион еврога тенглаштирилган ҳолда ўрин олди. Кейинги икки ўринни эса Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Туркия чемпионатида “Истанбул Башакшехир” клуби шарафини химоя қилаётган ҳужумкор футболчилар – Аббосбек Файзуллаев ва Элдор Шомуродов эгаллади. Уларни “TransferRoom” тегишли равишда 10 миллион ҳамда 9,3 миллион еврога баҳолаган.

Кучли бешликни жаҳон чемпионатида илк маротаба иштирок этадиган Осиё китъасининг яна бир вакили, Иордания терма жамоаси ҳужумкор футболчиси Муса Тамари якунлади. Франциянинг “Ренн” клубида ўйнаб келаётган чарм тўп устаси 8,9 миллион еврога нархланган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

MUASSIS:



**O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI**

O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 1237. 1573 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda